

Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Эдуардс Стипрайсни қабул қилди.



ЕИ махсус вакили Евро-кенташ Президенти Антониу Кошта ва Еврокомиссия Президенти Урсула фон дер Ляйеннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида қабул қилинган қарорларни амалга ошириш доирасида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Инвестициявий ва молиявий-техник ҳамкорлик бўйича умумий қиймати 12 миллиард евролик аниқ лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, шунингдек, бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

ЎЗА

Бунёдкорлик соҳасида сифат ва сейсмик хавфсизлик муҳим

Президент Шавкат Мирзиёев сейсмик хавфсизликни кучайтириш чора-тадбирларига оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенг. 2017 йилдан буён жойларда 11 минг 410 та кўп қаватли уйлар қурилган. Бу аҳолини турар жой билан етарли таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Қурилишнинг асосларидан бири бўлган сейсмология соҳаси ҳам ривожлантирилмоқда. Бу борада хорижий илмий марказлар билан ҳамкорлик қилиб, инновацион технологияларни татбиқ этишга эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, давлатимиз кўп жабҳаларда ташаббускор ҳамдир.

Маълумки, 1966 йил 26 апрелда Тошкент шаҳрида вайронкор zilzila

содир бўлган. Ўзбекистон Президенти zilzila қурбонларига ҳурмат кўрсатиш ва бу борада халқаро ҳамкорлик зарурлигини еслатиш мақсадида хотира ва бирдамлик кунини таъсис этиш ташаббусини илгари сурган эди. Бунинг эътирофи ўлароқ, яқинда БМТ Бош Ассамблеяси 29 апрелни Халқаро zilzila қурбонларини хотириш куни, деб эълон қилиш тўғрисида резолюция қабул қилди.

Бу соҳада халқаро стандартларга мос бўлиш учун давлатимиз раҳбари янги қурилаётган уйлarning сифатига эътиборни кучайтириш вазифасини қўйган эди. Шунга мувофиқ, кўп қаватли уйлarning

zilzilaга бардошлилигини ошириш ва аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилмақда.

Жумладан, давлат лойиҳа институтлари мутахассислари иштирокида жойларда ўрганишлар ўтказилди. Ушбу ўрганиш натижалари ва ҳудудларнинг сейсмик ҳолати таҳлили асосида бу тизимни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, хорижий мутахассислар жалб қилинган ҳолда, биноларни ўрганиш бўйича янги амалиёт йўлга қўйилади. Зилзилага ва бошқа табиий офатларга бардошли уйлarning қуриш бўйича тажриба алмашиш

кенгайтирилади. Бинолар инструментал техник текширувдан ўтказилиб, камчиликлар бартараф этилади.

Ушбу ўрганишлар ва хорижий тажриба асосида, сейсмик хавфни, таъсири ва хатарни баҳолаш юзасидан меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилади.

Давлатимиз раҳбари қурилишда сифат ва хавфсизлик биринчи ўринда эканини таъкидлаб, бу йўналишларни илмий ривожлантириш, соҳага замонавий ёндашувларни жорий этиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Ёқилғи-энергетика соҳасида ўзаро манфаатли шериклик кенгайтирилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон нефть ва газ” халқаро форуми доирасида Тошкент шаҳрида бўлиб турган Россиянинг “Газпром нефть” компанияси бошқаруви раиси Александр Дюковни қабул қилди.

Россиянинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги етакчи компанияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Нефть маҳсулотларини етказиб бериш,

қазиб олиниши қийин бўлган конларни ўзлаштириш ва соҳани рақамлаштириш борасидаги шерикликни ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди.

ЎЗА

Йўл хўжалигидаги ишлар натижадорлиги тақдимот қилинди

Президент Шавкат Мирзиёев йўл хўжалигидаги ишлар натижадорлиги ва режадаги лойиҳалар бўйича тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, бу соҳада бошқарув такомиллаштирилиб, йўллар қуриш, таъмирлаш ва сақлаш бўйича кўп йиллик вазифалар белгиланган эди. Ўтган 2 йилда бу мақсадларга 26 триллион сўм ажратилиб, жами 40 минг километр йўл ва 540 та кўприк таъмирланди. Соҳага четдан жалб қилинаётган маблағлар ҳам уч қарра ошди.


Лекин ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бу йил 7 минг километр умумий фойдаланишдаги йўл ҳамда 231 та кўприкни қуриш ва таъмирлаш, 13 минг километр тупроқ кўчаларга шағал ётқизиш, 400 километр цемент қопламали йўллар қуриш, магистраллар бўйида 72 та сервис мажмуаси ташкил этиш режалаштирилган.

Тақдимотда мутасаддилар шулар ҳақда ахборот берди.

Янги лойиҳаларни белгилашда йўлларнинг ҳозирги ҳолати ва қатнов даражасига эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда 1 минг 200 километр йўлни реконструкция қилиш бўйича 6 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Яна 4 та лойиҳа бошланиши кўзда тутилган. Хусусан, Тўртқўл ва Беруний шаҳарларини айланиб ўтувчи А-380 магистрални реконструкция қилиш, Қорақалпоғистон ва Хоразмда 516 километр маҳаллий йўлларни тўла таъмирлаш, Термиз — Денов ҳамда Сирдарё — Бахт оралиғидаги йўлларни цемент-бетон қопламали қилиб қуриш режалаштирилган. Бу лойиҳаларга Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислom тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки маблағлари йўналтирилади.

ЎЗА



КЕЛАЖАКНИ БУГУН ҚУРАЁТГАН СОҲА

Жорий йил 22 апрель куни давлатимиз раҳбари электротехника саноатида биринчи чорақда қилинган ишлар ва навбатдаги вазифаларга оид тақдимот чоғида ислохотлар самарасида мазкур тармок оёққа тураётганини таъкидлаш баробарида хали ишга солинмаган имкониятлардан фаол фойдаланиш кераклигини қайд этган эди.

Бугунги глобаллашув шароитида электротехника тармоғи фақат техник тараққиётнинг эмас, балки миллий иқтисодиёт ва ижтимоий фаровонлиқнинг муҳим таянч устунига айланмоқда. Кундалик ҳаётимизда кўп ишимиз тушадиган компьютер тизимлари, интернет инфратузилмаси, сунъий интеллект, “ақлли” шаҳарлар, транспорт ва замонавий сигнализация тизимлари — буларнинг барчаси электротехника

ютуқларига таянган ҳолда яратилмоқда. Бу эса нафақат қулайлик, балки иқтисодий ва ижтимоий фаолликка замин яратмоқда. Шу жиҳатдан олганда, саноатни модернизация қилиш ва рақамли иқтисодиётни жорий этишга интилаётган Ўзбекистон учун электротехника тармоғининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

▶ Давоми 4-бетда

90 кунлик ўзгариш

Янги тизимда ходимлар маоши ҳам, инсон қадри ҳам ошади

Уйим дарвозасидан ҳовлининг нариги томонидаги ижодхонамгача бўлган масофа эллик қадам. Агар салт юриш қилсангиз, қирқ қадамга етмайди. Хар куни кечки овқатдан сўнг шу ораликда бир соат юраман. Пиёда юриш соғлиққа фойда эканини таъкидламасам ҳам яхши биласиз. Ҳозир бу ҳақда айтилган гапларни такрорлаб вақтингизни олмокчи эмасман.

Тўғри, соғлигимни ўйлаб пиёда юришни бошладим. Шу боис, бирга юриш учун катта қизим ва ўғлимни қистовга олдим. Уйимизда соғлом турмуш тарзи тарғиб қилай, дедим-да! Қолаверса, йўлга чиқсанг, йўлдошли чик деб бежиз айтилмаган. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас. Муддао шу: йўл — ҳовлимиздаги эллик қадамлик масофани босиб ўтиш жараёнида англаган ҳақиқатларим, ҳис этган ва кўнглимдан тилимга кўчаётган фикрлар ҳақида гурунглашсам, дейман.



Гурунг деганда биз одатда ўтган-қайтган гаплардан гаплашиб ўтиришни тушунамиз. Назаримда, унинг моҳияти биз тушунгандан кўра тeрaрoқ. Ахир донишмандлардан бири: “Гапир, мен сени кўрайин”, деб бежиз айтмаган. Инсон сўз, мулоқот орқали янада яқиндан танишади. Келинг, мақолаимиз аввалида мулоқот ва унинг натижаси ҳақида фикр алмашсак. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар аввалида аҳоли билан мулоқот қилиш биринчи ўринга қўйилди. Бу ййғилиб қолган масалаларни пухта ўрганиш, уларга тақдим этиладиган ечимнинг ҳаётийлигини таъминлашда жуда муҳим эди. Уша вақтда кўплай соҳалар қаторида давлатимиз раҳбари тиббий хизмат кўрсатишни ҳам тубдан ислох этишга муҳтож эканини таъкидлаганди. Шундан сўнг тиббиётда коррупцияни йўқотиш, техник базани янгилаш, хусусан, тез ёрдамнинг ўз вақтида барча ҳудудларга бирдек етиб бoришини таъминлашга жиддий эътибор берилди. Биргина мисол, 2017 йил 16 март куни Президентимизнинг “Шошлинчи тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги фармони қабул қилинди. Соҳадаги ўзгаришларга шу каби ҳужжатлар билан ҳуқуқий асос яратилди.

Ушангача бўлган даврни эсланг. Олис қишлоқ ва овулларга тез ёрдам машинаси деярли бормасди. Мабодо бoриб қолгудай бўлса ҳам қишлоқнинг чанг, лой ва асфальти ўйди-чуқур бўлиб қолган кўчаларида соғ одамни ҳам касал қиладиган “Дамас” борарди. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу машинанинг ёқилғиси учун беомордан ҳақ ундириш одатий ҳол эди. Дори-дармон, умуман, хизмат сифати ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Дастлабки ўзгаришлар сабаб тез ёрдам анча яхшиланди. Бунинг бош омилли инсонлар билан мулоқот, жайдари қилиб айтганда, оддий одамлар билан бўлган гурунглр самараси эди.

▶ Давоми 3-бетда

Фармондан кўзланган мақсад кўчмас мулкнинг бозор нархига яқин қийматини аниқлаш орқали аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай шарт-шароит яратишдир. Зеро, ҳозирги кунда юртимиздаги 8 миллиондан ортиқ турар ва нотурар жой, 7 миллионга яқин ер участкасининг иқтисодий актив сифатидаги қийматини аниқлаш зарур.

Оммавий баҳолаш ишлари бир неча босқичда амалга оширилади. Хусусан, 2025-2026 йилларда тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида, 2026-2027 йилларда Нукус шаҳри ва вилоят марказларида, 2027 йилдан қолган ҳудудларда бажарилади.

Бу амалиёт мамлакатимиз иқтисодиёти ва фуқаролар турмуш тарзига ижобий таъсир қилади. Қандай қилиб?

Мисол учун, кўчмас мулкни бозор қиймати асосида баҳолаш солиқ ставкаларини оптимallasштиришда қўл келади. Кўчмас мулкка нисбатан шаффоф ва адолатли солиқ ставкалари ўрнатилиши ҳамда солиқ юки камайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, бюджетдан инфратузилма, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағни янада ошириш имконини беради. Янги тизим туфайли солиқ ставкалари мувофиқлашиб, бизнес учун адолатли шароит вужудга келади.

Бозор механизмига асосланган аниқ ва тушунарли баҳолаш тизими маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ҳам қулай шароит яратади. Яъни уларга хавфларни тўғри баҳолаш ва кўчмас мулкка қиритилган сармоялар рентабеллигини ошириш имкониятини беради.

Инвестор учун тўғри баҳоланган кўчмас мулк муҳим аҳамиятга эга. Агар кўчмас мулк объектларини баҳолаш тизими шаффоф ва рақамлашган бўлса, улар бизнес режаларини аниқ ишлаб чиқиш ва кўчмас мулкка сармоя қиритишда қамроқ таваккалчилик қилади.

Бу жараён банклар учун ҳам манфаатли. Яъни ипотека кредитлари ва тадбиркорлик учун молиявий ресурсларни тақдим этиш, реал хавфларни ҳисоблаб чиқиш имкони ошади. Банкларнинг кредит портфели хавф даражаси пасайиб, умидсиз қардорлик юзага келишининг олди олинади.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ўз активларини гаров сифатида қўйиб, қўшимча кредит олиш имкониятига эга бўлади. Бу иқтисодиётга инвестиция қилишни оширган ҳолда чиқар ва ўрта бизнес ривожига катта туртки беради.

Қолаверса, қурилиш компаниялари ва девелоперлар кўчмас мулк баҳосига оид интеграллашган маълумотлар базасига эркин қира олса, бозордаги реал рақамларга таянган ҳолда янги лойиҳаларни режалаштиришда самарали қарорлар қабул қилиши мумкин. Бунда кўчмас

мулкнинг бозор қиймати қўл келади. Бу эса шаҳарсозлик ва инфратузилма объектлари ривожланиши ҳамда хизматлар соҳаси ўсишига олиб келади.

Кўчмас мулк объектларини бозор нархига яқин қийматда оммавий баҳолаш ижара нархларини бозор шароитига мослаштиришга ёрдам беради. Бу тадбиркорлар офис, омбор ва ишлаб чиқариш биноларини ижарага олиш ёки беришида, ўз мулкига нисбатан нарх белгилашида айнаи мудоаодир.

Жараённинг оддий фуқаролар учун фойдали жиҳатлари ҳам кам эмас. Чунки ҳозирги кунда кўчмас мулк объектлари нархи аксарият ҳолларда бозор қийматига асосланмаган ҳолда шаклланимқда. Оммавий баҳолаш тизими эса бозор қонунчилигига асосланган рақамлаштирилган баҳолаш механизмларини тақозо қилади. Мулк эгаларига ўз уй-жойларининг аниқ бозор қиймати муҳим.

Бундан ташқари, айнаи пайтда аксарият кўчмас мулк объектларининг қиймати реал нархидан анча паст баҳоланмқда. Уларга солиналган солиқ эса нисбатан баланд. Янги жорий этилаётган баҳолаш тизими солиқ юки адолатли тақсимланишига, яъни мулк эгасининг ҳақиқий бозор баҳосидан келиб чиқиб, солиқ тўлашига шароит яратади.

Яна бир эътиборга молик жиҳат. Бугунги кунда аҳолига кредитлар кўчмас мулкни гаровга қўйиш орқали берилмқда. Агар мулк нархи очик ва шаффоф бўлса, банклар хавф-хатарини аниқ баҳолай олади ҳамда ипотека кредитларини анча қулай шартлар асосида тақдим этиши мумкин.

Нижоят, бу тизим ёрдамида ҳар биримиз ўз мулкмиз ёки сотиб олишни режалаштиратган уй-жойининг ҳақиқий бозор баҳосини онлайн тарзда билиб борамиз. Бу олди-сотди жараёнида юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликларнинг олдини олади.

Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш тизими нафақат давлат томонидан унинг қийматини аниқлаш ёки солиқ тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши, балки фуқаролар ва тадбиркорлар учун қўшимча имконият яратиши эътиборга молик. Тизим фуқаролар учун адолатли солиқ юки, мулкнинг аниқ баҳоси ва кредит олиш имкониятлари яхшилалиши билан аҳамиятли бўлса, бизнес учун шаффоф бозор муҳитини шакллантириб, инвестиция оқимини кўпайтиришда қўл келади. Капитал бозорини ривожлантиради.

Фарҳод МИРЗАЕВ,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини бош мутахассиси

Жамила БОБАНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларда мулжалланган давлат дастури тасдиқланди. Ҳужжатта мувофиқ, шунингдек, очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 35 тадан 40 тага кенгайтирилди.

Умуман, бу йўналишдаги тизимли ишлар натижасида коррупция жиноятлари камайишига эришилмқда. Жумладан, 2023 йилда коррупцияга оид жиноят содир этган шахслар сони 2022 йилдагидан 12 фоиз, жиноятлар сони эса 11 фоиз камайди. Шу билан бирга, коррупцияга оид жиноятлар оқибатида етказилган зарар миқдори ҳам 608 миллилард сўм ёки 29 фоиз камайган.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг Президентимиз иштирокида жорий йил 5 март кунини ўтказилган йиғилишида юртимизда бу илатдан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга танқидий баҳо берилиб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланди. Давлатимиз раҳбари коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва гов эканини таъкидлаб, мазкур илатга “жамият танасидаги саратон” деб таъриф берди, кенг жамоатчиликка мурожаат қилиб, коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа эканини алоҳида қайд этди.

Олий Мажлис Сенати раиси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси ҳисобланиди, бу борада соҳага оид 10 га яқин, жумладан, “Манфаатлар тўқнасуви тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, 2024 йил 6 декабрдан кучга кирганини айтиш лозим. Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатасининг масъул қўмиталари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назоратини амалга ошириш йўналишида қатор ишлар қилинмқда.

Эътироф

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келётган оилалар “Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланди. 15 май — Халқаро оила кунини муносабати билан пойтахтимизда мукофот эгаларини тақдирлаш маросими ва маданий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова ва бошқалар таъкидлаганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш, оилалар фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор инсон қадрини улуглашда муҳим омил бўлмқда.

Юртимизда бу йўналишдаги изчил ислохотлар ва оилаларга ғамхўрлик сиёсати натижасида 2021 йилдан бошлаб уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 2790 аёлга арзон уй-жой учун 49,7 миллиард сўм миқдориди бошлангич бадал тўлаб берилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2044 та кўп қаватли уй қурилиб, 100 мингдан ортиқ квартира фойдаланишга топширилди. “Янги Ўзбекистон” массивларида 126 та уй оилаларга фойдаланишга топширилди.

Ёшларнинг сифатли таълим олиш шароитини яхшилаш мақсадида қўплаб мактаб ва мактабга таълим ташкилотлари ташмилланди, замонавий мактаблар барпо этиляпти. “Ташаббусли бюджет” тизими орқали 4700 та маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш



ИБРАТЛИ ОИЛАЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

ишлари бажарилди. Бу мақсад учун 5,5 триллон сўм йўналтирилди.

Бугун республикаимиздаги бирламчи тиббий-санитария муассасаларида аёллар маслаҳатхоналари, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида перинатал скрининг хоналари, онкологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида максус тиббий кўрик хоналари фаолият юритмқда. 209 та туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасида болаларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида болалар бўлимлари очилди. Туманларо перинатал марказларида чақалоқлар реанимация шифо ўринлари ташкил этилди. Жарроҳлик операциясини ўтказиш учун тиббий ёрдамга

муҳтож, эҳтиёжманд хотин-қизларга 86,1 миллиард сўм ажратилди.

Бу каби чора-тадбирлар оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг соғлом ва узоқ умр кечиршини таъминлаш, ёш авлодини етуқ ва баркамол этиб вояга етказиш, оилалар фаровонлигини яхшилашда самара бераётди.

Ўз навбатида, давлатимиз томонидан яратилаётган бундай замонавий имконият ва шароитларга жавобан юртимиздаги ислохотларга фаол ҳисса қўшишга интиляётган, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга муносиб улуш қўшаётган, соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб этиб келатган, ҳудудлар ободлигига эътибор қаратиб, яшил маконлар яратётган ташаббускор оилалар сафи ҳам кенгаймқда. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган, “устоз-шогирд” аънаъасини тарғиб қилувчи, маҳаллалар ва оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш жараёнида ташаббус кўрсатиб келатган юртодшларимиз кўпаймқда.

Шундай фидойи ва фаол оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 сентябрдаги қарорига мувофиқ, “Ибратли оила” кўкрак нишони тақсис этилган.

Тадбирда мукофотланганларга кўкрак нишони ва сздалик совғалар топширилди. Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури тадбир қатнашчиларига завқ-шавқ улашди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳудудлар ҳаётидан 143 ЛОЙИҲА ВА 10 МИНГ ТАҚДИР

Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида эркин иқтисодий sanoat зоналарининг ўрни кундан кунга ортиб бормқда. Бу ерда яратилган ўзига хос қулайлик ва имкониятлар ишбилармонларга янги лойиҳалар устида ишлаш, изланиш имкониятини бермқда. Жумладан, “Кўқон” эркин иқтисодий sanoat зонасида шу кунга қадар 143 та истикболли лойиҳа амалга оширилиб, 2000 га яқин янги иш ўрни очилди.

Хусусан, 5,2 миллион доллар инвестиция маблағи ўзлаштирилиши ҳисобига “Procase” МЧЖда болалар тағлиги ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхонада 70 дан ортиқ маҳаллий ёш иш билан таъминланди. Корхонада йилга 200 миллион дон тағлик тайёрланади. Маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам машҳур. Шу кунга қадар Қирғизистон, Тожикистон ва Россияга 4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.



“Alp Motors N1” МЧЖ қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган бензинли ва электр мотороллерлар, скутер ҳамда электр скутерлар, мотоцикл ва электромобилларга талаб юқори. Шу пайтга қадар бу турдаги маҳсулотларнинг аксарияти хориждан келтирилган. Эркин иқтисодий sanoat зонасидаги лойиҳа маҳаллий шароитда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Янги тармоқда 3 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига 150 та доимий иш ўрни очилди.

— Ишсизлигим сабабли “Аёллар дафтари”га қиритилгандим. Янги корхона ташкил этилганини эшитиб, маҳалла фаолларининг тавсияси билан бу ерга ишга келдим, — дейди Учқўприк туманидаги “Янгиер” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Марҳабо Қаҳҳорова. — Мутахассислар кўмағида замонавий ишлаб чиқариш ускуналарини қилинган лойиҳа бу борадаги ортиқча харажат ва овораларчиликларга барҳам берди. Корхонанинг қулиқ ишлаб чиқариш қуввати 3 тоннани ташкил қилади.

— Бу ерда нафақат хомашё, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида янги лойиҳаларни амалга оширяптим, — дейди корхона раҳбари Қаҳрамон Жўраев. — Шу мақсадда банкдан 220 минг доллар миқдорда кредит олдик. Бу пайпоқ тўқишга истисослашган янги тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш имконини берди. Бунинг ҳисобига қўшимча 60 та иш ўрни очилди.

“Velomax” масъулияти чекланган жамиятида 17 турдаги велосипед ишлаб чиқарилляпти. Бу турдаги маҳсулотларнинг аксарияти хориждан келтирилган. Янги тармоқ маҳаллий шароитда маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга, 40 дан зиёд ёшнинг бандлигини таъминлади.



“Azamat Savdo Ziyov” МЧЖ томонидан қуриб битказилган корхонада бурама миҳ ишлаб чиқарилади. Айнаи пайтда унда яқин ҳудуддаги маҳалла ёшларидан 70 нафари доимий иш билан таъминланган. Йилга 3 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхона хорижга қарийб 1,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилмқда. Шунингдек, мамлакат ички бозорига бир йилда 24 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берапти.

— Жорий йилнинг дастлабки чорағида фойдаланишга топширилган sanoat корхоналари томонидан умумий қиймати 918,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хорижга 31,4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди, — дейди “Кўқон” эркин иқтисодий sanoat зонаси директори Фаррух Раҳмонов. — Мазкур корхоналарда 10 минг 605 ишчи-хизматчи фаолият юритмқда. Айнаи кунда умумий қиймати 427,4 миллион долларлик 34 та йирик лойиҳада тасдиқланган тармоқ жадалларига асосан қурилиш-монтаж ишлари бажарилмқда. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига қўшимча 7000 га яқин янги иш ўрни очилади.

“Кўқон” эркин иқтисодий sanoat зонасида ишлаб чиқаришга жорий этиляётган ҳаётбахш лойиҳалар ҳақида қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш, халқ ҳўжалиги тармоқлари учун зарур маҳсулот етказиб беришга хизмат қилмқда. Шу кунга қадар хориждан импорт қилинган 50 турдан ортиқ маҳсулот энди маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилляпти. Яна бир муҳим жиҳати — маҳсулотларнинг аксарият қисми экспортга йўналтирилаётганда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири





Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Янги даврга хос дадил қадамлар

Тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди. Ҳар қайси соҳа ҳар кун ислоҳ қилинмас, мутахассислар замондан бир қадам олдинда бўлишга интилмас экан, эришилган натижани ушлаб туриш осон бўлмайди. Бугунги глобал дунё мамлакатлар, жамиятлар олдида юксалишнинг оғир шартларини мана шундай талабчанлик билан қўймоқда. Шу маънода, Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўлини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини янада ошириш, дори воситалари истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълими таъкомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши ана шу талабга муносиблик йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ушбу йиғилишда белгилаб олинган вазифалар, берилган топшириқлар соҳа масъулларини давр билан ҳамқадам бўлишга ундагани ҳам рост.

Сўнгги 7 йилда тиббиётга ажратилаётган маблаг 6 карра ошган. Хусусан, жорий йилда 42 триллион сўмга етган. Бундай катта миқдордаги маблаг фақат янги машина олишгагина сарфланётгани йўқ. Масалан, маҳалладаги бирламчи бўлин билан ихтисослашган хизматлари боғлиқдиган комплекс тизим яратилди. Бунинг учун шунга мос бинолар қурилди, таъмирланди, тиббий техника олиб келинди. Натижада аввал фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технологик амалиёт вилоят ва туманларда ҳам ўтказилмоқда. Дейлик, бир пайтлар буйрак кўчириш учун Тошкентга келиш ва узоқ навбат кутиш каби сунъий тўсиқлар бор эди. Бугун бу амалиёт вилоятларда ҳам бажарилмоқда. Бир вақтлар беморлар пойтахтга келган бўлса, бугун малакали мутахассислар ҳудудларга бориб хизмат кўрсатяпти. Бу аҳолига тиббий хизматни яқинлаштириш баробарида жойлардаги мутахассислар билан марказдаги врачлар ўртасида ўзига хос устоз-шогирд аъёнасига ҳам замин яратди.

Ҳар бир соҳа кадрлар, аниқроғи, ишининг устаси бўлган мутахассислар сабаб юксалди. Бу исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари ўрнини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳатто ҳамширалик қилиш учун хорижга ишлагача кетган юртдошларимиз бор. Улар масъул вазирлик ва идоралар ташаббуси билан Европа давлатларида бугун ҳамшира бўлиб ишляпти. Энди қуйидаги рақамларга эътибор қилинг. Мамлакатимизда ҳар ўн минг аҳолига 27 нафар шифокор тўғри келади. Қиёслаш жоиз бўлса, бу АҚШ, Буюк Британия, Финляндия билан бир хил кўрсаткич. Туркия ва Канадада бу рақамлар 1,5 баравар кам. Қўринадики, кадрларнинг миқдори борасида муаммо йўқ. Аммо сифат-чи?

Сифат ҳақида гап кетганида, масалани бир неча жиҳатга эътибор бериш зарур. Масалан, айрим тиббиёт ходимлари етарлича малакага эга эмас. Бошқалари эса замон билан ҳамқадам бўлишда қийналмоқда. Ёки ўзини қийнашни истамайди. Буни лўнда қилди фидойиликнинг оқсани, дейиш мумкин. Ўрни келганда айтиб кетай, бу фақат тиббиёт ходимларига тегишли оғриқли масала эмас. Жамиятимизда фидойи инсонларга сезиларли эҳтиёж бор. Бунинг ўзи алоҳида мавзу ва таҳлили талаб қилади.

Яна бир муҳим жиҳат — аҳоли орасида тиббий билим етишмаслиги, оқ халатли киши нима деса, ишониб кетавериш. Бунинг ҳаётий тажрибасини ижтимоий тармоқлар орқали кўриб-кузатиб турибмиз. Айрим кимсалар яратилган имкониятларни суистеъмол қилиб, мутахассислиги бўлмаган йўналишларда хизмат кўрсатиб, одамлар соғлиғига жиддий зарар етказди.

Қолаверса, соғлом турмуш тарзига қўпчилигимиз амал қилмаймиз. Тўғри овқатланиш нари турсин, ичаётган дориларимиз таркиби, унинг фойда ва зарарини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Шу орқали тиббиёт ходимининг дорихона эгаси билан тузган шахсий бизнесига беминнат қилиб қўйиб, Бу бевосита жамиятимиздаги тиббий маданиятнинг оғриқли нуқтаси.

90 КУНЛИК ЎЗГАРИШ

ЯНГИ ТИЗИМДА ХОДИМЛАР МАОШИ ҲАМ, ИНСОН ҚАДРИ ҲАМ ОШАДИ



Тараққиёт одимлари

Дарвоқе, тиббий маданиятимиз қанчалик шакланганига яна бир факт: юртимизда юқумли бўлмаган касалликлар ихтисодиётимизга ҳар йили 1 миллиард доллар зарар келтириши ҳисоб-китоб қилинган. Тез ёрдамдаги жами қақирувларнинг тўртдан бири сурункали касалликларга бор беморларга тўғри келмоқда. Масалан, Фарғонадаги 12 та маҳаллада ўтказилган ўрганишда ҳар 10 бемордан 8 нафари оилавий шифокорни четлаб ўтиб, шифохонага ёки хусусий клиникага бораётганини айтган. Хоразмда эса беморлар оилавий шифокорни эмас, тез ёрдамни афзал кўряпти. Содда қилиб айтганда, тез ёрдам худди поликлиникадек бўлиб қолган.

Мақоламиз аввалида тез ёрдамнинг халқчил бўлиши таъминланганини айтган эдик. Юқоридаги кўрсаткичлар жамиятимиздаги тиббий маданият сабаб бу тизим ортқича босим билан ишлайдиган жойга айланиб қолганини кўрсатади. Дастлабки ислохотлардан бундай мақсад кўзланмаган эди. Яъни тез ёрдам биринчи ва тежор ёрдамни кўрсатади. Аммо сурункали касалларни даволамайди. Бугун дунёдаги тажрибага кўра, у йўналитиривчи дастлабки пунктдир. Демак, соҳа янги даврга хос янгиича ислохотларни талаб қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилиш мана шундай масалаларга ечим бериши билан аҳамиятли бўлди.

Қандай ўзгаришлар кутиляпти?

Йиғилишда соҳа истиқболини белгилашдаги муҳим омили тилга олинди. Яъни унда кўриб чиқилган масалалар, демак, бизни кутаётган янги ислохотлар бўйича салкам икки йил тайёргарлик қўрилан. Жараёнга хорижнинг илгор тиббиёт марказларидан



экспертлар жалб қилинган. Бу айтилаётган ҳар фикр, белгилаб берилаётган топшириқлар пухта режа асосида қилинаётганидан далолат. Юқорида айтганимиздай, икки йил мулоқотлар орқали соҳа одамлари ва оддий халқ вакилларининг бугунги ҳолати ўрганилган. Кенгашли тўй тарқамас, деган нақлга амал қилинган. Бу бизга соҳа тубдан ўзгаришига ишонч беради. Йиғилиб қолган масалаларнинг ечимини эса давлатимиз раҳбари қисқача бундай баён этди: **“Агар бирламчи бўлин, рақамлаштириш ва сугуртани жонига қўйса, тиббиёт ходимларини билим ва амалий қўнқмасини яхшилаб, муҳими, аҳолининг тиббий маданиятини оширсак, шунинг ўзи орқали кўзлаган максатларимизга эришамиз”**.

Шу боис, энди бирламчи бўлинда тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича янги тизим бўлади. Давлатимиз раҳбари буни Иштихон туманидаги Ўзбекистон поликлиникаси мисолида тушунтириб берди. Ушбу тиббиёт масканига 7 та маҳалла бириктирилган. Лекин 6 нафар оилавий шифокор 9 та штатни банд қилиб, юкларини эплай олмапти. Бу поликлиникада яна 6 та врач штати бўш.

Кафолатланган пакетга зарурати пухта ўйланмасдан 90 турдаги дори кириштирилган боис, поликлиникага бунинг ярми ҳам келмаяпти. Поликлиникадаги лаборатория таҳлилини бирорта шифохона тан олмади.

“Соғлом турмуш тарзига қўпчилигимиз амал қилмаймиз. Тўғри овқатланиш нари турсин, ичаётган дориларимиз таркиби, унинг фойда ва зарарини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Шу орқали тиббиёт ходимининг дорихона эгаси билан тузган шахсий бизнесига беминнат хизмат қиламиз. Бу бевосита жамиятимиздаги тиббий маданиятнинг оғриқли нуқтаси.

Энг кўп мурожаат болалар касалликларига тўғри келмоқда. Лекин юқорида айтилганидай, оилавий шифокорларда кўнқма етишмаслиги оқибада улар педиатр вазифасини тўлиқ бажара олмапти. Туғуруқ ёшидаги 9 минг аёл учун бор-йўғи 1,5 ставка гинеколог штати берилган.

Аҳолининг 35 фоизи юрак-қон томир, қандли диабет, ошқозон-ичак каби сурункали касалликларга чалинган. Бундай касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилиш ва асоратларини камайтириш бўйича тиббиёт бригадаларининг иши қўринмаяпти.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. Болалигимда қишлоғимиз ҳамшираси ҳафтанинг ҳар жума ёки душанбасида уйимизга келарди. Қўлида дафтар, эғнидаги оқ халат билан келган ҳамшира хола диққатини бир жойга жамлаб ёйишни бошларди: “Қайнатилган сув — бор...”.

“Ҳа, бор-бор”, дейди онам тасдиқ маъносида бош чайкаб.

“Ховли тоза, хлор... бор, — дейди ҳамшира хола гапиди давом этиб. — Идишлар, ошхона тоза”.

У айтганларини дафтарга қўчириб, онамга имзолатида. Кейин уйда касаллар бор-йўғини сўрайди. Бундай вақтда қайси ўзбек касалман деб “со” бошига ғавго сотиб олади! Албатта, иситмаси ошқор қилмагунча мум тишланади. Ўтиб кетадиди, қабилида иш тутилади, афсуски. Ҳамшира хола ҳам бунга чиппа-чин ишонади... йўқ, ўзини ишонгандай тутуди. Биз ўз саломатлигимизга шу йўсин ёндашувдан ҳамон тўлиқ кечиб кета олганимиз йўқ. Бу аччиқ ҳақиқат.

Шундай вазиятлар бўладикки, жамиятни ўзгартиш учун қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга кенг татбиқ этилади. Тиббий маданиятимизни ошириш, соҳа ходимларини замонга мос кадрларга айлантиришда ҳам худди шундай йўл тутилмоқда.

Хусусан, энди тиббиёт бригадаси ҳамда унга бириктирилган аҳоли ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи икки томонлама шартнома тузилади. Аҳоли оилавий шифокорни эркин танлайди, бу жараёнларга хусусий оилавий шифокорлар ҳам жалб этилади. Бу нима дегани?

Хизмат кўрсатишда қонуний ҳужжат бор. Яъни ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва

мажбурияти аниқ бўлади. Чунки қўлингизда шартнома бор. Бу низоли ҳолатларда ягона ва ишончли ечимга асос бўлади. Шу жараёнда тиббиёт ходимининг меҳнат фаолияти аҳоли томонидан ҳолис баҳоланади. Бу баҳо уларни қанча кўп одам танлаётганида кўринади. Яъни ҳеч ким “Сенинг оилавий шифокоринг фалончи”, демайди. Ўзингиз кўриб-кузатиб, энг яхши шифокорни танлайсиз. Бу табиий рақобат дегани. Рақобат бор жойда эса ўсиш, ўзгариш бўлади. Мана шу амалиётнинг ўзиёқ тез ёрдамга бориб ётиб оладиган сурункали касаллар сафини қисқартиришга хизмат қилади.

Гап сурункали касалликлар ҳақида кетганда яна бир янгиича ёндашуви эслаб ўтиш керак. Энди тумандаги маҳалла ва оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар фаолияти мақбуллаштирилиб,



12 мингдан кўп одамга хизмат қиладиган 7 та йирик поликлиника, қолган 27 таси кичик поликлиника сифатида қайтадан ташкил қилинади.

Тумандаги марказий поликлиника эса туман шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлимига айлантирилади. Барча тор соҳа мутахассислари шу ерда ишлайди. Бу поликлиникаларда оилавий шифокорнинг базавий ойлиғи 500 доллар, ҳамшираини 300 доллар эквивалентида бўлади. Оилавий шифокор ва ҳамшира малака сертификати олса, яна шунча устама тўланади.

Очиғи, соҳадаги кўпгина масалалар моддий таъминот, хусусан, оиллик маош қилиб билан ҳам боғлиқ эди. Биз бунни ўқитувчиларнинг маошини ошириш мисолида ҳам кўрдик. Яъни бевосита инсонларнинг жисмоний ва маънавий саломатлиги билан ишлайдиган ушбу соҳалар вакиллари муаммодан узоқ бўлиши шарт. Уйда моддий таъминот билан боғлиқ масалалар йиғилиб қолган ходим самарали ишлай олмайдди. Қолаверса, кам маош малакали кадрларнинг бошқа жойдан иш ахтаришига ҳам сабаб бўлади. Шу маънода оилавий шифокор ва ҳамширанинг маошини кўпайиши халқ саломатлиги йўлидаги энг яхши қарорлардан бири бўлганини тан олиш керак.

Яна бир ҳаётий масалага тўхталсак. Жорий этилаётган янги тизимда оилавий шифокор ва ҳамширани рағбатлантиришнинг яна бир йўли таъкидланди. Агар улар маҳаллада юриб, сурункали касали борларга вақт ажратиб, одамларни хасталик билан яшава уни бошқаришга ўргатса, онкологик, диабет, инсульт, инфаркт каби касалликларни эрта аниқлаб, оғир асоратларнинг олдини олса, буларнинг ҳисобига тез ёрдам ва стационарга мурожаатни қисқартирса, шифокорга яна 500 доллар, ҳамширага эса қўшимча 300 доллар берилди.

Шу ўринда хасталик билан яшава уни бошқаришга ўргатишга изоҳ берсак. Бунда шифокор ва ҳамшира нафақат ушбу хасталиқлар билан курашиш сирини билиши, балки кучли психолог бўлиши ҳам керак. Одатда сурункали касалиги бор

1,5 минг доллар, ҳамширалар эса 600-800 доллар эквивалентида оиллик оладиган тизим қиламиз. Бу орқали биз шунчаки оилликни эмас — инсон қадрини оширган бўламиз. Лекин натижа ҳам шунга яраша бўлиши керак”, деди.

Натижа нима дегани? Янги вазифаларга кўра, маҳаллада битта бўлса ҳам инфаркт, инсульт, оналар ва болалар эрта ўлими, сурункали касаллик тўғрисида ортирилган ногиронлик кузатилса, бунинг фавқуллодда ҳолат, деб қабул қилиниши керак. Содда қилиб айтганда, мутасаддилардан тортиб, энг қуйи тизимдаги ходимгача бўлган барча масъуллар ўзини қийнаши, унинг фаолияти инсонлар ҳаётига дахл қилишини юракдан ҳис этиши зарур бўлади. Бу, албатта, билим ва қўнқма талаб этади. Шу боис, мазкур жиҳат ҳам ҳисобга олинган. Яъни Соғлиқни сақлаш вазирлиғига йил охиригача тиббиёт олий-оҳолари билан 15 та тумандаги 4700 нафар оилавий шифокор ва ҳамширани “Оила саломатлиги” дастури бўйича, раҳбарларни эса менежерликка ўқитади.

Ишлар ўз вақтида ва самарали ташкил этилиши учун бу йил 285 миллиард сўм, бунга қўшимча вилоят ҳокимлари томонидан ҳам камида 10 миллиард сўмдан ажратилади. Бу маблаг 15 та тумандаги поликлиника ва шифохоналар фаолиятини янги тизим асосида ташкил қилиш учун сарфланади.

Шу ўринда вилоят ҳокимлари томонидан ажратиладиган 10 миллиард сўм нима учун керак, деган савол туғилиши табиий. Очиги, ҳозир тиббиёт масканларида кутиш, шу жараёнда айрим хизматлардан фойдаланиш борасида оғриқли нуқталар бор. Баъзи жойларда беморлар кўпчилиги, кутиш заллари йўқлиги ёки етарли эмаслиги боис, беморлар тиклинич йўлларда тик туришга мажбур. Оддий ҳожатхона масаласи ҳам жуда оғриқли.

Янги ислохотлар сабаб “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури бошлангани эълон қилинди. Ушбу дастур доирасида вилоят ҳокимлари кутиш жойларида қулай ўриндиқларни кўпайтириб, навбатни тартибга келтириш, она-бола хоналарини ташкил қилиш, ногиронлиги борлар эркин ҳаракатланиши учун кириш-чиқиш жойлари, хона ва йўлларда инклюзив муҳит яратиш, қўл ювишга иссиқ суви бор покиза ҳожатхоналар ташкил этиш учун масъул этиб белгиланди. Улар ажратадиган 10 миллиард сўм ушбу хайрли ишларга сарф этилади.

Мутасаддилар бу ишларни бутун республикада тизимли ташкил қилиб, тўқсон кун натижаси бўйича Президентга батафсил ҳисобот беради. Бу ҳам мақоламиз аввалида айтилганидай, халқ ва ҳокимият ўртасидаги мулоқотнинг яна бир кўринишидир. Бундан кўзланган мақсад эса тиббиёт муассасасига маданият, тартиб-интизом, фойз олиб кириб, одамларга ижобий кайфият улаштириш.

Шунингдек, поликлиникада акушер-гинекологлар 2 баробар кўпаяди. Ҳар 3 минг бола учун 1 тадан педиатр штати янгидан қўшилиди. Қолаверса, бундан буён бирламчи бўлинда ярим ёки 0,25 ставка бўлмайди. Барча шифокор ва ҳамширалар фақат тўлиқ ставкада ишлайди. Яна бир муҳим жиҳат, тиббий ёрдамнинг қабоқлатланган пакети тасдиқланади. Ушбу пакет доирасида тиббий хизмат ва дори-дармон тўлиқ бюджетдан қопланади. Буларнинг барчаси тиббиёт ходимларини кераклика қўллаб-қувватлаш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Юқорида малакали шифокорлар вилоятларга бориб хизмат кўрсатаётгани, бу жойлардаги тиббиёт ходимлари фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилаётганини айтдик. Аммо айрим масалалар ҳамон сақланиб қолаётганини рост. Масалан, ҳудудларда юқори технологик операцияларни ўтказиш имконияти бор. Лекин беморлар ҳали ҳам Тошкентга келяпти. Дейлик, ўтган йили юрак ишемик касаллиги бор беморларга кўрсатилган коронарография ва стентлаш амалиётининг 80 фоизи Тошкентда бажарилган. Жарроҳлик амалиёти талаб қилмайдиган юрак ишемик касаллиги бор беморларнинг ҳам пойтахтга келиши камаймаган. Бу беморлар ва врачларнинг мулоқотида камчиликлар борлигини, соҳани ислоҳ этишнинг талаб қилади. Масалан, касали жиддий эканини билган бемор дарров: “Тошкентга кетаман, йўлланма беринг”, дейди. Шифокор ҳам “оч қорним, тинч қўлғим” қабилида иш тутайди. Йўллангани бериб, беморни пойтахтга кузатиб қутулади. Ваҳоланки, эски ордер тизимидан воз кечилиб, имтиёзли тоифадаги шахсларни электрон йўлланма орқали даволашга ўтилганига икки йил бўлди. Шунга қарамай, ҳамон беморларни Тошкентга жўнатиш айнан моддий масала билан боғлиқ. Яъни маблагнинг асосий қисми ҳалигача республика марказларига ажратилмоқда. Шу муносабат билан республика марказларида бюджет ҳисобидан фақат юқори технологияли мураккаб амалиётлар ўтказилиши белгиланди. Туман ва вилоятда бемалол қилиш мумкин бўлган амалиётлар учун республика марказларига йўлланма берилмайди. Мутасаддиларга республика, вилоят, туманга йўлланма бериладиган касалликлар бўйичани тасдиқлаш топширилди.

Бу одамларнинг узоғини яқин қилиш, уларга ўз ҳудудидан узоқошмай соғлиғини тиклаш имконини яратиш деган. Мақола аввалида ҳовлимдаги йўл, қандай юришимга қараб неча қадам билан масофани босиб ўтишим ҳақида аниқ ёздим. Негаки, у менинг уйим ва ҳар қуни шу йўл бўйлаб юрганим сабаб булар менга яхши таниш. Кечки пайт ҳовлининг у бошидан бу бошига бориб келар эканман, ҳаёлимдан: “Дунё ҳовлимиздаги эллик қадамлик йўлдан иборат”, деган ўй ўтди. Сиз битта чиқиб бўйлаб, бир хил ҳаракатда муттасил бориб келаверасиз. Сиртдан қараганда, ҳеч нарса ўзгармади. Аммо ҳар бир қадамда янгирача ўй, янги режа ва фикрлар оғушида бўласиз. Биласизки, ҳеч ўзгармасдай қўриган мана шу йўл ҳар қадамда ўзини янгилаб бораётган бўлади. Умумий уйимиз — янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳам худди шундай кечмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда юртимизда электротехника саноатини ривожлантириш йўлида муҳим қадамлар ташланмоқда. Тармоқнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Жумладан, жорий йил 22 январда давлатимиз раҳбарининг “Электротехника саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, инвестициялар ва хорижий брендларни жалб этиш, тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида БМТнинг электрон ҳукумат рейтингига дунёдаги энг илгор 30 мамлакат қаторига кириш мақсади белгилангани бежиз эмас.

Кооперация ва инвестиция янги босқичда

Юртимизда маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, кооперацияни ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш борасида изчил ва аниқ стратегия амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар саноатда туб ўзгаришлар қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий барқарорликка эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда электротехника соҳасида импортига қарамликни камайтириш ва ўзимизда ишлаб чиқаришга катта урғу берилётгани кўл келяпти. Бунинг биргина кабели мисолида кўриш мумкин. Жорий йилдан барча хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларда кабель-ўтказгич маҳсулотларининг қамиди 70 фоизини маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш тизими яратилди. Ҳозир “Masdar”, “ACWA Power” ва “China Gezhouba Group” каби йирик хорижий компаниялар иштирокидаги лойиҳаларга 1,1 триллион сўмлик кабель маҳаллий

ишлаб чиқарувчиларимиз томонидан етказиб берилиши режалаштирилган. Бу нафақат маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, балки янги иш ўринларини яратиш ва ташқи иқтисодий таъсирларни камайтиришда муҳим қадам бўлмоқда.

2025 йилда 6538 дона насос ва 906 дона электр двигатель маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилди. Бу талаб йирик тармоқлар — тоғ-кон саноати, энергетика, кимё ва сув хўжалиги соҳаларидаги лойиҳаларга нисбатан белгилаб берилган.

Шу асосда жорий йилда 1,5 триллион сўмлик электротехника маҳсулотлари тармоқларо кооперация орқали бозорга чиқарилиши режалаштирилган. Бу маҳаллий корхоналар салоҳиятини кенгайтириш ва тармоқларо ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилда 3,3 триллион сўмлик 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши кўзда

тутилган. 2024 йилда умумий қиймати 516 миллион доллар бўлган 85 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларда 1,7 триллион сўмлик маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу лойиҳалар нафақат маҳаллий эҳтиёжларни қоплаш, балки экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ҳам йўл очаяпти.

Янги бозорлар сари

Жаҳон иқтисодиётидаги катта ўзгаришлар ва глобал рақобат ортган сайин мамлакатлар янги бозорларга чиқишда креатив ёндашувларни ишлаб чиқишга мажбур бўлмоқда. Юртимизда ҳам бу жараён ўз самарасини бераётгани ва электротехника саноатига эътибор катта натижаларга олиб келганини кўриш мумкин.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Юрт манзаралари

Навоий вилоятининг туризм масканларини тоғу тошлар ҳамда чўллар орасидаги олис йўллар бoғлаб туриши ҳам сайёҳларга қизиқарли таассуротлар тақдим этади. Мисол учун, Нурота туманидаги “Чашма” мажмуаси, Сентоб туризм қишлоғи, Хатирчи туманидаги Олтинсой, Лангар, Ангидон қишлоқлари, Қизилтепа туманидаги Тўдакўл маскани ва Навбахор туманидаги машҳур Сармишсой дараси каби сайёҳлик объектлари бири-бирдан олисда жойлашган. Қолаверса, ҳудуд Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ўртасида жойлашгани сабабли қарийб 340 километр масофада турли йўналишларни қамраб олган Навоий туризм ҳалқаси ташкил қилинаётгани сайёҳларни тобора кўпроқ қорламоқда.

Янги Қазгон — янги сайёҳлик маскани

Навоий вилоятининг туризм масканлари қаторига бугун Қонимех туманидаги Янги Қазгон овули ҳам қўшилмоқда. Гап шундаки, Қизилқум кенгликларида жойлашган мазкур овул туризм қишлоғига айлантирилмоқда. Асосан, қозоқлар истиқомат қилувчи бу ҳудуднинг тоза ҳавоси, чўл туялари ва маҳаллий аҳолининг ўзига хос қадриятлари сайёҳларга манзур бўлмоқда. Туман марказида олис ушбу овулда айни вақтда 7 та меҳмон уйи барпо этилган. Сайёҳлар учун миллий таомлар тайёрлаш, туя сутини соғиш, жигар, ошқозон касалликлари учун туя сутини ичиш, тандирда нон ёпиш, гиламдўзлик маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш каби хизматлар йўлга қўйилган.

Яқинда Қонимех туманининг Янги Қазгон ва Дўнғалак овулларида бўлиб ўтган этнофестивалда қатнашган 200 дан ортиқ хорижий меҳмон ана шу хизматлардан фойдаланиб, Қизилқум кенгликлари манзарасидан баҳраманд бўлди.

— Ўтовдан меҳмон уйи қурганмиз, — дейди Галя Бекбенбекова. — Сайёҳларни миллий қадриятларимиздан ташқари туяда чўл бўйлаб сайр қилиш ҳам қизиқтирмоқда. Шунингдек, миллий либослар тақийш ва таомлар тайёрлаш жараёнида сайёҳларнинг ўзи ҳам иштирок этиш истagini билдиради. Бу уларга ўзига хос завқ бағишлайди.



НАВОЙНИНГ ТУРИЗМ ҲАЛҚАСИ САЙЁҲЛАРНИ НИМАСИ БИЛАН ЎЗИГА ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА?



Қадимда аждодларимиз сув бўйлари ва ов қилиш осон бўлган дараларни ўзига макон қилган. Сармишсойнинг табиати бугун ҳам гўзал. Ёқимли шабада эсиб туради, баҳорда кўм-кўк, кузда сарғиш майсалар ўзига хос манзара касб этади. Бу ерда ўсимлиkning 600 дан ортиқ тури учрайди. Уларнинг айримлари ноёб бўлиб, “Қизил китоб”га киририлган. Дарада ҳаёт жуда секин ўтаётганга ўхшайди. Тинч ва сокин. Басавлат қоялар неча-неча авлодларни кўрган. Петроглифлар соддароқ бўлиши мумкин. Бу суратлар очик осмон остида, асрлар синовига дош бериб яшаб келмоқда. Уларни сақлаб қолиш ниҳоятда муҳим.

Мангута муҳрланган суратларда гажакдор шохли архарлару тоғ эчкилари, ёввойи тўнғизлару камонини ушлаб ов қилаётган одамлар, ҳатто рақс тушаётган эркак ва аёлнинг образлари киши ҳайратини оширади. Петроглифлар 22,5 километр узунликдаги қоятошларга ўйиб ишланган.

Айни вақтда саёҳатбop бу манзилдан унча узоқ бўлмаган ҳудудда Сармишсой дам олиш маскани фаолияти йўлга

қўйилган. Дара бўйлаб экскурсиялар, ҳайвонот боғи билан танишув ва ўнлаб бошқа туризм хизматлари мавжуд. Бу эса сирли Сармишсойга сайёҳларни тобора кўп жалб этмоқда.

Хатирчи мўъжизалари: Ангидон, Олтинсой, Лангар

Хатирчи тумани соғломлаштириш, дам олиш ва фаол туризмни бирлаштирувчи масканлари билан сайёҳлар орасида машҳур. Тоза тоғ ҳавоси, экстремал йўлақлар ва инновацион фаолиятдан баҳраманд бўлишни истганлар учун Ангидон, Олтинсой ва Лангар қишлоқларида барча шароит яратилган.

Сўнгги йилларда туманда сайёҳлик салоҳиятини оширишга қаратилган кўплаб ташаббус ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Натижада сайёҳлар учун жозибали манзиллар сони ортиб бормоқда. Улар орасида Олтинсой, Лангар ва денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган Ангидон қишлоқлари энг машҳурларидир.

Олтинсой қишлоғи туман марказидан қарийб 60 километр узоқликда жойлашган. Сўлим тоғ манзаралари, шифобахш булоқлари ҳамда кенгайиб бораётган туризм инфраузилмаси билан сайёҳларга манзур бўлмоқда. Атрофдаги хушманзара тоғ сойлари пиеда ва экстремал фаолият учун қўлай шароит яратган бўлса, аҳоли томонидан тайёрланган миллий таомлар маҳаллий ва хорижий сайёҳлар эътиборига тушган. Энг асосийси, Олтинсой қишлоғига меҳмонлар кўпроқ ҳудуддаги булоқларнинг шифобахш сувидан баҳраманд бўлиш учун келади. Бу масканда табиёт туризми тобора ривожланиб бормоқда. Айни вақтда бу ерда соғломлаштириш объекти ва хостел фаолияти йўлга қўйилган.

Лангар қишлоғи ҳам туман марказидан қарийб 60 километр олисда жойлашган. Ҳудудда туризмни ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. — Туманининг табиати ва қўлай жойлашуви туризм имкониятини янада оширади, — дейди Навоий вилояти туризм бошқармаси мутахассиси Ҳилола Худойбердиева. — Бунинг учун, албатта, истиқболли ва сайёҳлар учун жозибали бўлган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим. Шу мақсадда туризм қишлоғи макомини олган Лангар қишлоғида сельфи зонаси ташкил этилиб, олма дор қуриш режалаштирилган. Оилавий меҳмон уйларининг сонини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида амалий ишлар бажарилмоқда.

Ангидон денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган, 11 та сўлим қишлоқдан ташкил топган йирик маҳалла. Қолаверса, вилоятнинг энг кўза кўриган экотуризм масканларидан. Ушбу ҳудудда 20 дан ортиқ меҳмон уйи ва дам олиш маскани, 10 га яқин туризм хизмати ташкил этилди.

Туманга ўтган йили 19 минг хорижий ва 334 минг маҳаллий сайёҳ келгани ва туризм экспорти қиймати 4 миллион долларга етгани соҳа ривожидан далолат.

имкони бўлмаган Ҳиндистон каби йирик бозорга БААнинг Дубай шаҳрида савдо омборхоналарини ташкил этган ҳолда 2,5 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

Тармоқ салоҳиятини юксалтиришда импорт хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшилган қиймат яратиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, импорт қилинган алюминийдан тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Канада ва Малайзия каби ривожланган бозорларга экспорт қилинмоқда. Ушбу маҳсулотлар умумий экспорт ҳажмида 50 миллион долларлик улушни ташкил этмоқда.

Бюрократик тўсиқлардан холи савдо тизими

Янги бозорларга чиқиш, ўзаро савдо ҳажми ошиши нафақат иқтисодиёт ривожини, балки саноатнинг глобал рақобатдаги мавқеини мустаҳкамламоқда. Бу натижалар, албатта, тармоқдаги юқори технологиялар, янгиликлар ва инновациялар қўлланиши ортдан келяпти. Энг муҳими, маҳсулотларимиз глобал бозорларда тан олинди, рақобатбардошлигини оширади, бу эса нафақат иш ўринлари яратиш, балки иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлиги ошишини таъминлайди.

Қувват, салоҳият, имконият — булар темирда эмас, балки инсон тафаккурида. Шу маънода, юртимиз ишбилармонларининг ҳар бир имкониятини самарали ишлатишга, янги ҳудудларни очиб орқали миллий иқтисодиёт ривожига йўл очишга ҳаракат қилаётгани диққатга сазовор. Натижада янги савдо йўллари ва бозорлар сари оидмалаётган Ўзбекистон глобал рақобат майдонида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Жаҳон бозори ва савдо муҳитидаги улкан ўзгаришлар, аънанавий савдо усуллари орқали кўпчиқа кўллаб бюрократик тўсиқларга дуч келиш табиий ҳолат. Шу боис, савдо соҳасида рақобатлашниш ва тезкор натижаларга эришиш учун янги усуллар, жумладан, онлайн маркетплейслар орқали экспорт қилиш кенг тарқалмоқда. Бунинг натижасида тўсиқлар қисқараётгани ва янги имкониятлар пайдо бўлаётгани кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги кунда онлайн маркетплейслар орқали савдо қилиш натижасида миллий маҳсулотларимиз жаҳон бозорларига янада осон ва самарали етказилмоқда. 2024 йилда электротехника соҳасида маркетплейслар орқали 10 та корхона томонидан 15 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Бу рақамлар 2025 йилда тўрт баробар кўпайиши, яъни 30 та корхона 65 миллион долларлик экспортга етиши кутилмоқда. Маркетплейслар воситасидаги экспорт ҳиссаси йилдан йилга ўсиб бормоқда, бу эса мамлакатимиз учун муҳим иқтисодий босқични белгилamoқда.

Масалан, 2025 йилда тармоқнинг 30 та корхонаси Россиянинг “Вайлдберриз”, “Озон”, “Холодильник.ру”, “М-Видео”, “Эльдорадо” ва Қозғистоннинг “Каспи”, “Техноград”, “Халик маркет”, “Теез” каби савдо платформалари орқали қўшимча 50 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган. Бу платформалар нафақат маҳсулотларни осон етказиб бериш, балки савдо жараёнини қатор бюрократик тўсиқлардан халос қилишга ҳам ёрдам бермоқда.

Маркетплейслар билан савдо тизимини кучайтириш ҳамда иқтисодий интеграция ва савдонинг рақобатбардошлигини ошириш орқали мамлакатимиз саноатига янги йўналишлар очилмоқда. Шу тариқа маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ички ва глобал бозорларда рақобатлашниш учун янги имкониятлар яратилади.

Экспорт логистикасидаги ўзгаришлар ҳамда онлайн платформалар орқали савдо қилишнинг самарадорлиги иқтисодий ривожланишга катта ҳисса қўшмоқда. Бу эса янги савдо имкониятлари пайдо бўлаётганини англатади.

Маркетплейслар орқали савдо қилиш савдо, иқтисодий фаолият ва экспорт ҳажми ўсишига сабаб бўлган янги қадамдир. Бу тизим бюрократик тўсиқларни енгиб, рақобатга қодир, ривожланган иқтисодий муҳит яратишга ёрдам беради. Шунингдек, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, электротехника соҳаси ривожини мамлакатимиз иқтисодиёти ўсиши, халқ фаровонлиги ва рақамли жамият қуриш сари ишончли қадамлардан бирига айлamoқда. Юртимизда ушбу йўналишга қаратилётган эътибор эртанги технология тараққиёт пойдеворини мустаҳкамламоқда.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“Чашма” мажмуаси ва Сентоб туризм қишлоғи

Навоий вилоятининг туризм салоҳияти ривожига Нурота туманининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Айниқса, зиёрат туризмида “Чашма” зиёратгоҳи алоҳида эътирофга молик. Нур чашмаси табиатнинг ноёб тухфаси бўлиб, унинг қачон, қандай пайдо бўлгани номаълум. Маълумотларга кўра, бу мўъжиза мураккаб табиий жараёнлар натижасида пайдо бўлган. Археолог олимлар чашма жанубидаги қалъа теварагидан толган қўл билан ишлов берилган топилмалар юқори палеолит даврида ҳам бу манзилда одамлар яшаганини англатади.

Мутахассислар фикрича, чашма суви тоғ ичида, тошлар орасидан сизиб ўтиб, турли кимёвий бирикмалар, тоғ жинсларидаги ҳар хил элементларни эритиб ўзи билан бирга олиб келади. Юқори минералланган сув ер юзига чашма бўлиб отилиб чиқади. Денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган чашма суви таркибида 20 хил микроэлемент борлиги аниқланган. Қарорати эса қиш-ёзн бир хил бўлиб туради. Чашмадаги балиқлар табиатининг бетакор мўъжизаси. Маҳаллий халқ, саёҳатчилар уларга озор етказмайди.

Зиёратгоҳда жойлашган “Чилустун” жоме масжидининг биринчи марта қурилиши X асрга бориб тақалади. Унинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, масжидда қадимда ишлатилган қуёш соатининг ўрни бор ва қадимги асқ садо берувчи овоз кучайтиргичлар кейинги таъмирлаш жараёнида сақлаб қолинган.

Нурота туманида сайёҳларни ўзига жалб этувчи яна бир сўлим маскан Сентоб туризм қишлоғидир. Бу мўъжиз қишлоқ Нурота тоғларининг шимолий ён бағрида жойлашган бўлиб, қарийб 3 минг киши истиқомат қилади. Бу маскан қадим тарихи, маданий мероси, ўтмиши, миллий қадриятлари ва урф-одатлари бугунгача сақланиб қолгани билан ажралиб туради. Қоятошларга ишланган, V-VI асрларга оид петроглифлар, тоғ тепасидаги кўҳна қўрғон қолдиқлари, XI-XVIII асрларга оид тошбитиклар ҳамда қишлоқнинг энг юқори нуқтаидаги Фозилмон кўли диққатга сазовор. Айни вақтда бу ердан маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг қадими узилмайди.

Жорий йил биринчи чорагида вилоятта 52,6 минг хорижий ва 269,6 минг маҳаллий сайёҳ келди. Туризм экспорти қиймати 15,8 миллион долларга етказилди. Германия, Франция ва Хитойдан энг кўп сайёҳ келгани кузатилади.

Айни вақтда Нуротадаги “Чашма” зиёратгоҳини Самарқанд вилоятидаги “Имом Бухорий” ёдгорлик мажмуаси ва Бухоро вилоятидаги “Етти пир” зиёратгоҳлари билан боғловчи дастур ишлаб чиқилган. Ушбу йўналишга 18 та маданий мерос объекти, 8 та туризм қишлоғи ва маҳалласи, 130 та туризм объекти ҳамда Нурота туманидаги хунармандчилик маркази қиритилган. Бу эса Навоий вилоятининг туризм салоҳияти ва жозибдорлиги янада ошишига хизмат қилади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бундан 7-8 йил илгари мамлакатимизда олий таълим муассасалари саноқли бўлгани, бори ҳам давлатга қарашли экани, хусусий ОТМлар йўқлиги туфайли талаба бўлиш ниҳоятда қийин, таълим йўналишидаги бир ўринга қамида 30 нафаргача номзод тўри келар эди. Натижада аксарият ёшлар бошқа давлатлардаги ўқитиш сифати кафолатланмаган ОТМларга ҳужжат топширар, салмоқли маблағ чет элга чиқиб кетарди.

Мулоҳаза

ТАЛАБАЛАР УЧУН
“КУРАШ МАЙДОНИ”

ИНТИЛУВЧАНЛИК ВА ИЖТИМОЙ
ФАОЛЛИК КАФОЛАТИ

Азизбек ОМОНОВ,
доцент

Бугун юртимизда 200 дан ортиқ давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Ҳозир уларга ўқишга кириш ихтиёрий ва жуда осон. Бироқ шунга мос равишда таълимнинг сифатига эътибор ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг бу йил 10 мартдаги “Олий таълим ташкилотларида талабаларга грантларни тақдим этиш ва қайта тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳам ОТМларда ўқитиш сифатини ошириш ва жамиятда ижтимоий фаол ёшлар қатламини пайдо қилишга қаратилган. Энди давлат гранти ва стипендиялар ҳар ўқув йилида айланма соҳада, муносиб талабанинг ўзлаштиришига қараб белгиланади. Хўш, бунинг тартиби қандай?

Қарор билан тасдиқланган низоми таълим грантларини иккинчи ва ундан кейинги курсларда юқори академик ўзлаштириш кўрсаткичига эришган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ижтимоий фаол талабалар ўртасида олий таълим ташкилотлари томонидан табақалаштирилган тарзда қайта тақсимлаш ҳамда кўшимча грант тақдим этиш тартибини белгилайди. Эътиборингизни унинг моҳиятини ёритувчи, жараёнларни ҳаракатга келтирувчи ихтилоблар, механизмларга қаратмоқчимиз.

Таълим грантининг базавий сони — олий таълим ташкилотининг тегишли бакалаврият таълим йўналишига (магистратура мутахассислигига) кириш имтиҳонлари натижасига кўра, давлат гранти асосида 1-курсга талабалikka тавсия этилган абитуриентлар сонига тенг грант ўради.

Таълим грантига талабдор — олий таълим ташкилотининг таълим гранти ажратилган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича иккинчи ва ундан кейинги курсларда тахсил олаётган, таълим грантини қайта тақсимлашда иштирок этиш истигини билдирган талаба;

Тўлиқ таълим гранти — бир ўқув йили учун берилиб, ўқитиш харажати давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериладиган ва умумий тартибдаги стипендия билан таъминланган таълим гранти;

Тўлиқ бўлмаган таълим гранти — бир ўқув йили учун берилиб, тўлов-контракт суммасининг 50 фоизи давлат бюджетидан қоплаб бериладиган ва умумий тартибдаги

стипендия билан таъминланмайдиган таълим гранти;

GPA (Grade Point Average) — таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган балларининг ўртача қиймати;

Кўшимча давлат гранти — олий таълим ташкилотларининг бакалаврият таълим йўналишларида муайян ўқув йили якуни бўйича GPA кўрсаткичи 4 ва ундан юқори бўлган, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланган тоифадаги талабаларнинг навобатдаги ўқув йили учун ўқитиш харажати давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериладиган ва умумий тартибдаги стипендия билан таъминланган грант;

Олий таълим ташкилоти гранти — молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотлари томонидан уларда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича тахсил олувчи белгиланган тоифадаги талабаларнинг GPA кўрсаткичи 3,3 дан 4 гача бўлганда, уларнинг навобатдаги ўқув йили учун белгиланган тўлов-контракт суммасининг 20 фоиздан 80 фоизгача бўлган қисmini ушбу олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланган грант.

Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг HEMIS — Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими орқали шакллантирилади. Бунда

GPA кўрсаткичини “16” сонига қўйатириш орқали аниқланади. Негатив “16” Талабанинг академик ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлашда энг юқори ўзлаштириш мумкин бўлган GPA — 5 балл. Қарор низомига кўра, 80 балл 5 га бўлинса, 16 сони келиб чиқади.

Биринчи босқичда талабанинг академик ўзлаштириш кўрсаткичи (80 балл) таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган балларининг ўртача қиймати (16 сонига) қўйатирилади.

Иккинчи босқичга кўра, қарор низомининг 2-иловасида талабанинг ижтимоий фаолияти учун 20 балл ажратилган. Хўш, 20 балл қаердан пайдо бўлди деган савол туғилади. Негатив ижтимоий фаолият учун 20 балл? Юқорида келтирилганидек, талабанинг академик ўзлаштириш суммаси 100 балдан 80 баллгача баҳоланади. Қолган 20 балл 100 баллни таълим олувчининг дастур бўйича энг юқори кўрсаткичи — 5 баллга бўлиш орқали вужудга келади.

Масалан, талабанинг академик ўзлаштириш кўрсаткичи, яъни GPA 5 балл бўлса, натижа — 5x16=80. Агар GPA 4,20 бўлса, натижаси — 4,20x16=67,2 келиб чиқади. Талабанинг ижтимоий фаолият кўрсаткичи — энг юқори балл 20 бўлса, бунинг натижаси — 20x5=100. Ёки талабдор ижтимоий фаолиятда ўзлаштирган балл 18 бўлса, 18x5=3,6 бўлади.

Ижтимоий фаолият ўзи нима? У қандай баҳоланади? Бу савол бугун қўйлаб талабаларни қизиқтирмоқда. Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган низомида келтирилганидек, ижтимоий фаолият учун 100 балл берилади. Бунда талабанинг китобхонлик маданияти — 20 балл, “5 муҳим ташаббус” доирасидаги тўғрақарлардаги фаол иштироки — 20 балл, академик ўзлаштириш — 10 балл, университет ички тартиб-қоидалари ва одоб-ахлоқ кодексига риоя этилиш 5 балл тизимида баҳоланади. Шунингдек, халқаро, республика, вилоят миқёсидаги кўрик-танлов, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида эришган натижалари — 10 балл, дарсларга тўлиқ ва кечикмай келиши — 5 балл, “Маърифат дарслари”да фаол иштироки — 10 балл, волонтерлик ва жамоат ишларидаги фаолияти — 5 балл, театр ва музей, хизмат, тарихий қадимчаларга бориши — 5 балл, спорт билан шугулланиши ва соғлом турмуш тарзига амал қилиши — 5 балл ҳамда маънавий-маърифий соҳага оид бошқа йўналишлардаги фаолияти учун 5 балл берилиши белгиланган.

Низомига кўра, бакалаврият таълим йўналиши бўйича тахсил олувчи, белгиланган тоифадаги талабаларнинг GPA кўрсаткичи 3,3 дан 4 гача бўлса, уларнинг навобатдаги ўқув йили учун белгиланган тўлов-контракт суммасининг 20 фоиздан 80 фоизгача бўлган қисми молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан қопланади.

Барча олий таълим муассасалари талабанинг ижтимоий фаолият кўрсаткичини жамоавий келишилган ҳолда амалиётда қўлайди. Бунда талабанинг манзилли ва сай-ҳаракатлари тўғри йўналишлари учун муассасалар раҳбариятлари томонидан пухта ўйланган дастур ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Бугун мамлакатимизда энг катта эътибор, куч ва маблағ таълимга ажратилмоқда. Зеро, миллат тақдири, келажаги айнан таълим-тарбия, ёшларнинг салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Таълим юксалсанига қолган соҳалар ривожланади, юрт тинч бўлади, халқ фаровон яшайди.

Юртимизда жуда қисқа муддатда олий таълим тизимидаги муаммолар бартараф этилиб, давр талабларига мослаштирилди. Ёшларнинг олий таълимдаги қамрови 9 фоиздан 42 фоизга етказилди. Нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти учун ҳам кенг йўл очилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони соҳада янги саҳифа очишга замин яратди. Унда интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорлиқни мустақамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш



интеграциясини ривожлантириш каби вазифалар белгиланган.

Концепция асосида ОТМларга қабул квотаси қўйатирилди, рақамли технологиялар ва таълим платформалари амалиётга кенг жорий этилди. Шунингдек, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижорийлаштириш ва бошқа қатор йўналишларда самарали натижаларга эришилди.

Халқаро таълим асосида олий таълим муассасаларида назарий билимдан кўра, амалий кўникмаларни шакллантиришга кучли эътибор қаратилган. Талабаларга креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш ва бошқа мақсадларда олий таълим муассасаларида босқичма-босқич академик мустақиллик беришмоқда.

Айниқса, молиявий мустақиллик ортидан кўп йиллардан бун қаддини кўтаролмай келаётган институт ва университетлар ўз нуфузини тиклапти. Эътиборлиси, ҳар жиҳатдан мустақил ОТМлар халқаро рейтинглардан муносиб ўрин эгаллаб, жаҳонда янги Ўзбекистон имижини шакллантиришга ҳисса қўшмоқда.

Ислохотлар жараёнида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Бугун ёшларнинг асосий қисми нодавлат ОТМларни танламоқда. Бойси, ушбу ўқув юрларининг кадрлар тайёрлаш босқичида ўзига хос ёндашуви, таълим сифати, замонавий шароити давлат ОТМларидан умуман фарқ қилмайди. Қолаверса, Европа таълим стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Умуман, соҳадаги қамровли ислохотлар туфайли мамлакатимиз олий таълим тизими Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи ҳабга айланиб бормоқда.

Бу эса тизимнинг инвестициявий жозибадорлиги ошиши, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини кенг жалб этишга имконият яратяпти. Энг муҳими, Ўзбекистонда олий таълим сифати тубдан ўзгармоқда. Бугун Европада бориб ўқиш шарт эмас. Шу билимини ўзимизнинг олий ўқув юрларимизда олса ҳам бўлади. Қатор нуфузли чел эл ОТМларининг Тошкент шаҳридаги филиаллари ёшларга замонавий билим бериб келинмоқда.

Мамлакатимизда барпо этилаётган “INNO” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарклариде стартап-акселератор, бизнес-инкубатор, ишлаб чиқариш майдонлари, коворкинг марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Бу масканларда ёш олимларимизнинг стартап лойиҳалари устиде ишлаши, муваффақиятли лойиҳаларни молиялаштириш, умуман, илмий ва инновацион фаолият юритиш учун барча шароит бор. Масалан, Тошкент давлат техника университети хузуридаги Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация маркази, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти хузуридаги Ўқув-амалий тўқимачилик технопарки ҳамда Ўрганч давлат университети хузуридаги “Хоразм” инновацион технопарки ҳам энг иқтидорли ёшлар учун илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишда мактаб базисини ўтказмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биофизика ва биокимё институти, Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий марказида амалга оширилаётган замонавий илмий тадқиқотлар ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидаги муаммолар ечимига қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 24 майдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, 2024/2025 ўқув йилида давлат олий таълим муассасалари бакалавриятга қабул жараёни ички босқичда — “аввал тест, сўнг танлов” тақимиойли мувофиқ ўтказилди.

Энди давлат грантлари ОТМлар учун эмас, балки йўналишлар учун ажратилади. Муайян йўналишга топширган ва юқори балл тўплаган абитуриентларига грант асосида ўқишга қабул қилинади. Бу қайсидаги олийоҳта 160 балл билан контрактга кириб, бошқа ОТМда худди шу йўналишга 100 балл билан грантга киришга барҳам берилади дегани. Шу билан бирга, давлат грантининг барча квотасини битта ОТМ олиб қўйишининг олди олинади.

Албатта, ҳамма давлат гранти асосида ўқишни хоҳлайди. Бунинг учун ойлаб, ҳатто ийлаб тайёрларлик кўради. Баъзи ёшлар юқори балл тўплаб грант асосида ўқишга кириб олади-да, сўнг бамайлхотирликка берилади. Кейинги ҳолатда эса абитуриент шунча ҳаракат қилса ҳам бали етмай, контрактга қабул қилинади. Ана шундай ҳолатларга ҳам адолат билан ёндашиш мақсадида жорий йилдан бошлаб давлат гранти ижтимоий-рағбатлантирувчи ва таълим гранти шаклида ажратилади. Яъни бакалаврият ва магистратураға қабул қилинган талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун амал қилади. Ушбу тартиб барчани тиришқоқлик билан ўқишга ундайди.

Мамлакатимиз олий таълим соҳасида ижобий ўзгаришлар айна пайтда ҳам давом этимоқда. Демак, ўқийдиган, касб-хунар эгаллайдиган, ёшлар ўз иқтидорини жаҳон узра намойиш этадиган давр келиди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳар бир йигит-қизнинг энг асосий бурчи бўлмоғи лозим.

Қамолот пиллапоялари

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фаолиятдаги имкониятини кенгайтириш йўлидаги ислохотлар кундан кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистон республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни гендер тенгликни таъминлаш масаласини давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирди.



Гулжаҳон ШАЙДУЛЛАЕВА,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Ушбу қонун ва унга асосланган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор ортиб, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштироки кучайди. Ҳозир хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, илм-фан соҳасида эса 48 фоизга етганини таъкидлаш зарур. Бу рақамлар юртимизда аёллар учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳамда уларнинг юксак фаоллигидан далолат беради.

Бундай юқори эътибор Ўзбекистон миллий университети тарих факультети учун ҳам

алоҳида аҳамият касб этмоқда. Факультет бугун илм-фан соҳасида ташаббускор мавқега эга олималарнинг илмий марказига айланган. Хусусан, факультетда 11 фан доктори ва 12 фан номзодидан иборат олималар гуруҳи фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти илмий тадқиқот ишлари билан бирга педагогик фаолиятда ҳам қатор ютуқларга эришаётир. Шунингдек, факультетдаги иккита кафедраға аёллар раҳбарлик қилмоқда.

Хотин-қизлар “Олима” уюшмаси мамлакатимизда илм-фан билан шугулланаётган

опа-сингилларимизни бирлаштирувчи муҳим платформалардан бирига айланган. Уюшма ўз таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 100 га яқин олий таълим муассасаси, шунингдек, Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтиларида фаолият юритаётган олималарни бирлаштирган. Ҳар йили уюшма томонидан “Олима аёллар — миллат келажаги тарбиячиси”, “Олима аёллар — Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси” каби мавзуларда форумлар ўтказиб келинади. Бу тадбирлар хотин-қизларнинг илмий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, янги гоя ва ташаббусларини оммалаштиришда муҳим ўринга эга. Шунингдек, ушбу форумлар нафақат илмий муҳокамалар майдони, балки таъриба алмашиш ва ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун илмий давра сифатида ҳам самарали хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 мартдаги тегишли фармони асосида Инновацион ривожланиш агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилаётган “Олима аёллар” ташаббускор амалий ва инновацион лойиҳалар танлови олималар учун катта имкониятлар эшигини очди. Танловлардан асосий мақсад хотин-қизларни илм-фанга кенг жалб этиш, таълим, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган янги гоя ва ишланмаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инновацион



технологиялар ва илмий маҳсулотлар яратишнинг рағбатлантиришдан иборат. Бу, ўз навабатида, олималарнинг ташаббускорлигини ошириб, илмий изланишларини тизимли равишда бажаришга ёрдам беради.

Тарих факультети олималари ҳам ушбу танловларда фаол қатнашиб, катта ютуқларга

эришмоқда. Жумладан, “Олима аёллар — 2023” лойиҳалар танловида тарих фанлари доктори С.Жўраева “Қашқадарё воқеаси алломалари ва зияратхоналари тарихи” номли лойиҳаси билан ғолиб бўлди. Ушбу лойиҳа нафақат тарих ва маданиятни ўрганишда долзарб аҳамиятга эга, балки минтақа

вий тарихнинг муҳим жиҳатларини оммалаштиришга ҳам хизмат қилади. Ўтган йили 11 февраль — Халқаро олималар кунини муносабати билан ўтказилган “Олима аёллар — 2024” танловида “Қадимги Турон ва Месопотамия ўртасидаги маданий алоқалар бўйича археологик манбалар” мавзусидаги лойиҳам ғолиб деб топилди. Маскур лойиҳада қадимги цивилизациялар ўртасидаги тарихий алоқаларни ўрганиш орқали миллий ва халқаро тарихшуносликка муҳим ҳисса қўиш мақсади қўзланган.

Бу йилги тақдирлаш маросими Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан махсус форум сифатида, кўтаринчи руҳда ташкил этилди. Тадбирда ғолиб лойиҳалар муаллифлари тақдирланиб, илмий ишланмалари кенг оммаға тақдим қилинди.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш сиёсати доирасида олималарнинг илмий тадқиқот ишлари, педагогик фаолияти ва хорижий давлатларда малака ошириши каби йўналишларга эътибор ҳар қачонгидан-да кучли. Бу имкониятларни илмсавор аёлларни нафақат молиявий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватламоқда. Биз эса бундан унумли фойдаланиб, илмий изланишларимиз ва ташаббусларимиз билан миллий тарихимизни бойитишимиз, илм-фан чўққиларига янада дидил қадамлар ташлашимиз лозим. Зеро, ушбу сай-ҳаракатлар нафақат бугунги кун, балки келажақ авлодлар учун ҳам илмий мерос сифатида қолади.

“Сўз латофати” китобидан

Даст — қўл эканини биламиз. Лекин бу форсий сўзнинг бошқа кўп маъноларидан ҳаммами ҳам хабардор эмасмиз. Ўзимиз ўнг қўл, чап қўл, қўли баланд, қўлбола, қўлигул, қўл қўймоқ, қўлламоқ... деганимиз каби даст ҳам рангин калима. Даста, дастак, дастгоҳ, дастёр, дастхат, дастпеч, забардаст — булар фақат қўл маъносига туташ сўзлар. Бу суҳаннинг тараф, аҳвол, хил, нав, ғалаба каби мазмунлари бор. Куч-қудрат, амал-мартабани ҳам ифода қилади. Бундан ҳосила бўлиб дастур атамаси вужудга келган.



ютқазмадик. Уларга қарши ялпи кураш очиб хароб бўлдиқ. Турк қардошларимиз ҳам бу кўргиликни бошдан кечирганлар, афсусларини яширмайдилар. Вазифа сунъий руслаштириш сиёсати натижасида тилдан суриб чиқарилган, унутилган бойлигимизни тиклашдир. Тиклаганда ҳам ҳар томонлама ўйлаб, маънавий асосида етти ўлчаб бир кесганимиз яхши. Биз ёзув қуролимини **ручка** деймиз. Қалам деб русча **карандаш**ни айтмиз. Аслида, **ручка**ни қалам десак, тўғри бўлади. Чунки **қалам** — **кесмоқ** сўзидан олинган. Қамишни кесиб **қалам** қилинган ва уни сиёҳга текизиб хат ёзилган. Демак, сиёҳли ёзув қуроли — **қалам**. Биз **қалам** дейдиган **карандаш** ҳам асл туркий атама. Русча луғатларининг барида бу қайд этилган. Фақат аслиятни биров **қоратмош** деса, биров **қоринтош** дейди. Биз ўз сўзимизни қайтариб олсак, ёмон бўлмасди. Лекин амалда бу қийин иш. Шунинг учун иккала ёзув қуролини **қалам** деб айтсак, хато бўлмас. **Карандаш қалам**ни ҳам учини очиш учун кесилади, яъни қалам қилинади. Балки **хон** деган сўзимиз ҳам вақт келиб столнинг ўрнини олар. Ахир у қисқа ва гўзал сўз. **Қўқон хони**, **Хева хони** билан адаштириб юбормасмиз. Биз **тур** ва **бор** сўзларининг олти-етти маъноларини айтиб, бир сўзда кўп маъно бўлса, тилининг беэаги, дедик. Икки маънодаги хон ҳам аския мавзуси бўлса, ажабмас. **Хонимиз хонларча безатилган**, десак ёки ҳазилкаш дўстимизни столга таклиф қилиб, **хон хузурига марҳамат**, дея лутф қилсак, ҳам чиройли, ҳам ўзбекча бўлади. Ҳазрат Навоий **хон** сўзини ҳам ясатилган стол, ҳам **неъмат** маъносиде ишлатилган. **Стол** тушунчаси кўп тилларда фақат ёғоч ашё эмас, риёқ маъносини ҳам англатади. Хон ҳам шундай. Ҳазратга қулоқ тутинг: *Хони хуси ул юз, намакдон оғзидур, ул хон аро, Нутқи шўрангездин пайдо намакдониде туз.* Ер чехраси неъмат тўла хон, оғзи хон устидаги намакдон, туздон, жонга гағвою офат келтирувчи сўзи эса ўша туздондаги туз. Қарангки, Навоий замонида ҳам гўзалларнинг тили аччиқ, сўзи нордон бўларкан. Чиройли қочирим баробарида ғавго маъносидеги шўрангез билан туз ажиб шеърин санъатга айланган. Яна бир ўринда Ҳазрат айтадилар: *Кўйи, ул юз хонига назорат аилай тўйғуча, Ким, қўзум бўлаиш бу қахти хуси айёмида оч.* Маъноси: Ул гўзал юз неъматига бир тўйиб олай, қўйиб бер, чунки жамолини кўп замон кўрмай, хусн камёблигидан, висол қаҳатчилигидан қўзим оч. **Хон** сўзини ҳар қанча тарғиб қилмай, биламанки, у дарҳол тилимизга сингиб кетмайди. Киши умрида татиб кўрмаган таомни ейиши қандоқ қийин бўлса, умрида айтиб кўрмаган сўзни айтиши ҳам шундай мушкул. Бирини кўнгил тортмайди, бирига тил келмайди. Лекин она тилимизга ўзбекча сўзларни олиб кириш фақат кўнгил иши эмас, бурч ҳамдир. Бурчни адо этишда эса уятчанликка ўрин йўқ. Миллий, ватаний иш шаҳдамлик, жасорат ва мардликни талаб қилади.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Бугуннинг гапи

Биз мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш масаласини инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиямизнинг муҳим ва ажралмас қисми деб биламиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ШАФФОФ ЁКИ ҚОРА КЎЗОЙНАК

СИЗГА ҚАЙ БИРИ МАЪҚУЛ?

Ана шу “лекин” сабаб кўнгил бир оз хира тартаётганини ҳам яширмайлик. Замонавий, айна пайтда ижтимоий тармоқни “гуллатаётган фаоллар” икки кутбога ажралиб кетгандек, назаримда. Бу кутбнинг бирида шаффоф, иккинчисида вазифаси қуёш нуридан ҳимоя қилиш бўлган қора кўзойнакни ўзга мақсадда тақиб олганлар жавлон уради, ҳолос. Бошқача айтганда, позитив ва негатив фронт гўё.

Атрофдаги воқеа-ҳодиса, янгилик ва ислохотлар туб моҳиятини аслидек кўрувчи ва англовчилар биринчи тоифага қиради. Улар вазиятга тўғри баҳо беради. Агар камчилик ёки нотўғри ёндашув бўлса, таҳлил орқали ётиги билан тушунтиради. Иккинчи тараф эса ҳамма нарсаси, ҳатто мурғак болалар иштирокидаги самимий чиқишларга ҳам фақат ёмон нигоҳ билан боқади. Сўнгги пайтларда ана шу қора кўзойнақларнинг “жўшқин фаолияти” кишини хавотирга солаётир. Уларнинг мақсади, муддаоси, жамоатчилик фикри шаклланишига кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинса, кўп масала ўйдинлашади.

Дейлик, бирор ҳоким, вазир ё соҳа мутасаддиси халқ орасида кўриниш берди — жамоат транспортида юрди, умумий оватланиш шохобасида тушлик қилди ёки одамлар билан мулоқот пайтида ўзини эркин (норасмий) тутди. Бу ҳолатни кимдир ошқора ёки яширин тасвирга муҳрлаб, ижтимоий тармоқ орқали бир зумда тарқатиб юборади. Табиийки,

Тўғри, шундайлар кўпчиликни ташкил қилди ҳам. Аммо қора кўзойнак таққан бир “дўстим”нинг изоҳидан кейин постимни ўчириб ташладим ва қайтиб инсоний ҳар қандай туйғуларни ижтимоий тармоққа олиб чиқмайман, деган қарорга келдим.

У айнан бундай ёзибди: “Икки ёшли болага ҳар хил тилларни ўргатишга бало борми? Ундан кўра, Қуръонни, намоз ўқишни ўргатинг”.

Сексаниб кетдим. “Ҳой, барака топкур, сал фаҳмни ишлат. Бу ерда 12 эмас, ҳали 2 ёшга ҳам тўлиб улгурмаган, тили чиқиб-чиқмаган гўдакнинг сен билан меникидан анча ривожланган эҳни ҳақида гап кетяпти. Буни шунчаки набирасини кўриб завқи келган одам ёзаяпти”, демоқчи бўлдим, индамадим. Энг аянчлиси, ўша изоҳдан кейин яна кимлардир шундай кайфиятга яқин фикрларни ёзишга ҳаракат қилди.

Гап қаерга қараб кетаётганини англаётгандир-сиз? Ўша изоҳ жойлангандан сўнг кузатувчиларда аста-секин ёндашув ўзгара борди, мазмун салбий томонга оға бошлади. Ўндан ортққ ижобий постдан кейин қолдирилган биргина қитмир изоҳ муҳокама-лар тизгинини бошқа ўзанга буриб юборди. Шунча — инсон табиати қизик ва мураккаб. Яхши амални ўргатишга 10 та сабоқ талаб этилса, ёмон нарса учун биттаси кифоя экан.

Ҳозир аксарият одам журналист ва блогер тушунчасини аралаштириб юборади. Қўлида смартфон



бундай пайтда шарҳлар ёзилиб, кўпчилик ўз фикр-мулоҳазасини бошқалар билан ўртоқлашиши келади. Ана шу жойда шаффоф ва қора кўзойнақлар ишга тушади.

Узоққа бормайлик. Ўтган ойнинг сўнгги чоршанбаси юртимизда навбатдаги автомобилсиз кун эди. Билмадим, бу ўз ташаббуси эдими ё ахборот хизмати маслаҳат берганим, ҳуллас, бир мутасадди фаол фуқаро сифатида соғлом турмуш тарзига амал қилиш, экология мусаффолигига ҳисса қўлишга бошқаларни ҳам чорлаб, ишга хизмат машинаси сиз келгани ҳақида ижтимоий тармоққа сурат жойлайди. Шундан кейин бошланди-ку...

“Бўлар экан-ку... Бошқалар ҳам ўрнак олса қанаиди...”-га ўхшаган бир-икки олқиш “Роль ўйнашни бошлабди... Омма учун уюштирилган сурат бу... Амалдорлар автомобиладан бир дақиқаям воз кечмайди...” каби таъна-дашмон танбехлар остида қўлиб кетди. Ўйлаб қолдим: нега биз ижтимоий тармоқдан фойдаланиш маданиятини ўзлаштира оламизми? Нима учун бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ташаббус ва хайли ишларга қанот беришни ўзимизга эп кўрмаямиз? Нима сабаб вазиятни фақат ёмон томонга бурамиз, унинг салбий тарафини кўргимиз келади?

Бу ҳаммага маълум, барчанинг кўз ўнгидеги фактлар. Энди ўзим билан содир бўлган бир мисолни келтирмоқчиман. Бундан 4-5 ой аввал қандайдир гурур туйғуси билан ижтимоий тармоққа “Икки ёшга ҳам тўлмаган набирамга онаси ўзбек, тожик, рус ва инглиз тилида 20 гача санашни ўргатибди” деган мазмунда пост жойладим. Хўш, нима деб ўйлайсиз? Ҳа, мен ҳам шундай ўйлагандим. Кузатувчилар қувончимга шерик бўлади, кимдир ҳавас қилади, бошқаси болажонни дуо қилади, дея умид қилгандим.

Ҳозир аксарият одам журналист ва блогер тушунчасини аралаштириб юборади. Қўлида смартфон бўлган киши борки, блогерлик қиялпти, аслида. Ҳар ҳолда ўзини блогер деб ҳис этияпти. Айримлар атрофга фақат қора кўзойнак ортидан боқиб, оғзига, хаёлига келганини айтиш ва ёзишдан тийилмаяпти. Салбий пост қўя олмаса, ҳовурини изоҳ қолдириш орқали босяпти.

ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эга. Давлат оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини, мулк ҳуқуқини, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Журналистларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашши тақиқланади.

Кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустақкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди. Бугун аввал тасаввуримизга симаган тушунча ва ҳодисалар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланади.

Сўз эркинлигини таъминлаш, эркин фикр юришти учун ҳуқуқий ҳимояни, давлат идораларининг очиклигини кучайтириш, блогерлик мавқенин кўтариш, барча тоифадаги оммавий ахборот воситалари ҳодимларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли амали ишлар қилинди. Натижада фаол матбуот халқ орасида ҳурмат-эътибор қозониб, “тўрттинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда қандай янгилик пайдо бўлмасин, турли баҳслар, фикрлар, тортишувлар кўринишида ушбу ахборотга муносабат билдирилмоқда. Бу ҳам юртимиз оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг фаолалиши бораётганини кўрсатади. Бунда суинистеъмолчиликка йўл қўйиш мутлақо ўзини оқламайди.

Буларга жавобан барчамиздан масъулият, вазиятнинг ҳолис таҳлили, ўзаро ҳурмат ва ишонч талаб этилади. Назаримда, бунга “лаббай” деб жавоб бериш у қадар қийин экан.

Бир лафтига бор: аёл эрталаб кечроқ уйғонгач, хона деразасидан ташқарига қараб, турмуш ўртоғига “Дадаси, бугун қуёш ҳар кунгиданман чарақлаб чиқибди-я”, деса, бунга жавобан эр: “Бугун ҳам ҳар доимги қуёш, фақат барвақт туриб, кир бўлиб кетган деразаларни артий қўйгандим”, деган экан.

Ёстиқ бои ва фақирнинг, катта ва кичикнинг, шахзода ва қўриқчиларнинг бошини кўтаради. Лекин унда фақатгина виждони хотиржамлар сокин уйқуга кета олади. Шундай экан, қалбимиз деразаларини вақти-вақти билан тозалаб, борлиқни борица кўриш ва хотиржам виждон билан уйқуга кетиш саодати барчамизга насиб қилсин. Зеро, аждодларимиздан қолган манбаларда “Кўринишин билан фахрланма. Чунки уни сен яратмагансан. Насабинг билан ҳам фахрланма. Чунки уни сен танламагансан. Лекин ахлоқинг билан фахрлан. Чунки унга зийнатни фақат ўзинг бермагансан”, дейилган. Бу ҳикмати эса, албатта, биласиз.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ.